

(“ТАРАККИЙ”, ”ХУРШИД”, ”ТУЖЖОР” ГАЗЕТАЛАРИ МИСОЛИДА)

Мустакилликка эришганимиздан сўнг миллий меросимизга бўлган муносабат кайта тикланиб, аждодларимиз яратиб кетган бой маданий мерос янгидан ўрганилиб, бу соҳада катта ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, азим ва навкирон Тошкент шахрининг 2200 йиллигини нишонлаш катта тарихий ахамиятга эгадир.

Тошкент бутун Ўрта Осиё жади́дчилик харакати маркази бўлиши билан бирга, энг кўп миллий марифатчилик гоёлари билан сугорилган жади́д нашрлари шу маконда чоп этилди.

Ушбу мақолада ёритиш учун “Тараккий”, “Хуршид”, “Тужжор”газеталарига, ундаги мақола ва материалларни таҳлил қилиш билан баён қилишга тўхталмоқчимиз.

Хусусан, Туркистонда биринчи жади́д матбуот органи “Тараккий” газетаси Тошкент шаҳрида Исмоил Обидов муҳаррирлигида, 1906 йил 27 июндан этиборан чоп этила бошланган. Унинг таҳририяти Ўратепа кўчаси, 97 уйда жойлашган эди. Газета баҳоси бир йиллиги 5 сўм, олти ойлиги 2 сўм 50 тийин, уч ойлиги 1 сўм 50 тийин бўлган, бир донаси 50 тийиндан сотилган. Газета тўрт саҳифада чоп этилиб, унда эълонлар ҳам босилган.Эълонлар газетанинг биринчи саҳифасида сатрига 40 тийиндан, охириги саҳифада сатрига 20 тийиндан босилган. “Тараккий” газетасининг шиори: “Нажот: маслакда сабот, тўғрилиқда ижобат” деб номланган. Нашр “илмий, адабий, сиёсий, фаний, тижорий” газета бўлганлиги унинг ўзида таъкидлаб кўрсатилади.

“Тараккий” Иван Гейернинг “Тараккий-Ўрта Осиё умргузаронлиги” газетаси маблаг и асосида чоп этилган. Машхур маърифатпарвар жадид намоёндаларидан Абдулла Авлоний “Бурунги ўзбек вақти матбуотининг тарихи” мақоласида “Тараккий” газетаси Иван Гейернинг тўхтолгон газетаси ўрнига чиқди, деса мумкин. Унинг обуначиларининг қолган ҳақига

“Тараккий” газетаси юборилди”, деб қайд этилди [\[1\]](#).

“Тараккий” газетаси фаолияти ҳақида кенг тадқиқотлар олиб борган журналистика тарихи мутахасиси, олима Назира Абдуазизова қуйидагиларни ёзади: “...гарчи нашр Иван Гейернинг маблаг и ҳисобига нашр қилана бошланган бўлса ҳам, унинг ўз олдига қўйган мақсади аввалги газетадан тубдан фарқ қилган” [\[2\]](#). “Тараккий” да миллий, ижтимоий-сиёсий, маданий, иқтисодий масалалар қўтарилиб, муштарийларни “мамлакат хабарлари”, “хорижий хабарлар”, “телеграф хабарлари”, “Тошкент ахбори” рукнлари остида янгиликлардан воқиф этиб турган. Газета маърифат манбаларидан саналган китоб, газета учун ҳукуматнинг маблаг ажратмаётгани ва буни унинг ўзи ҳам билиб турганлигини шундай ўхшатиш билан баён этади: “ҳозирда ижтимоий, қалом, матбуот учун берилган ҳарит(ҳаражат)лар; тушак устида оғзига сув томизилиб турган оғир ҳастадек эканини тилсиз ва қўр табиблар ҳам тасдиқ этурлар” [\[3\]](#)

Мустамлақачилик тузумидан озод бўлиш гоёси ва миллатни тараккий эттириш масаласи газетанинг бош мақсадларидан эди. Шундай гоё газетанинг 1-сонидаги “Тошкентда 14-июнь” мақоласида ҳам ўз ифодасини топади. Унда: “Биз мусулмонларни хурриятга ҳақлари борми?”-деб, савол қўйиб, “ Йўқ! Қариндошлар юз маротаба йўқ”- деб жавоб беради. Сабаби маърифатсизлик, илмсизлик ҳукмрон бўлган жамият ҳеч қачон эркинликка эриша олмаслиги таъкидланади. “Тараккий” да миллий жадидларимиз аҳолидан олинадиган солиқлар, юрт ва халқ манфаати учун ишлатилмасдан, “золим ишга ва айш-ишратга” сарфлаётганлигидан зорланаётганлигини билдиради [\[4\]](#).

Газетанинг 1906 йил 3-сонида пивоҳўрлик ва ичкибозликнинг кенг тарқалиб кетилаётганлигидан ҳавотирли фикрлар билдирилади. Шунингдек, “Тараккий” да “фельетон” рукни остида маданий-маърифий масалалар қўтарилиб, таълим тизимини ислох қилиш, замонавий фанларни ўқув дастурларига киритиш, ундан ташқари адабий-танқидий мақолалар эълон қилиб борилган. Жумладан, газетанинг 1-сонида “Бизни жаҳолат жаҳли мураккаб” деб номланган М.Абдурашидхоновнинг мақоласи берилиб, мактаб ва мадраса дарсларига замонавий фанлар киритилишини тарғиб

килади. Газетанинг 10-сониди, шу рунда берилган маколада, Тошкент шахрининг Воскресенский махалласида Фотих Олдин ва Исмоил ал-Алавий мактабларга имтихон билан ўқувчи қабул қилганлигини, муаллим Шоқир Муҳторов ижобий баҳолаб чиқади.

Газета фаолияти жуда қисқа вақт давом этди, аслида нашрнинг ўз олдига қўйган қуйидаги максими бор эди: “Биз бир моъни сабабидан газетамиз бироз вақтгача қадимги Тараққий исми ила тасмин қилинуб нашр этилса ҳам иншоолло тез фурсатда “Шарқ” исми ила тасмих қилинур” [5]. Чор Россияси мустамлакачилик тузуми миллий гоёлар тарғиботчиси бўлган “Тараққий” газетасининг нашр этилишини бир неча ойдан сўнг тўхтатиб қўйди. Шундан сўнг ҳам жадидлар матбуот ташкил этишни янада ривожлантирди. Масалан М. Абдурашидхонов муҳаррирлигида “Хуршид” газетасини чиқарила бошланди. “Хуршид” газетаси ”- деб ёзади А. Авлоний, “1906 йили “Тараққий” тўхтолгондан кейин ўша вақтнинг ёшлари томонидан тузилган бир ширкатнинг моддий қўмаги, Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг масъул муҳаррирлиги орқасида тош босма усул билан чиқа бошлади” [6], дейди.

“Хуршид” Тошкент шахрининг Занжирлик махалласида нашр этилиб, ҳафтада бир марта, “тезда икки уч бор чиқадургон илмий, адабий, сиёсий, маиший, туркча (яъни, ўзбекча)” газетадир. Бир донаси беш тийиндан сотилган. Газета саккиз саҳифада нашр этилган. Бу газета ҳам худди “Тараққий” каби биринчи саҳифада ўша қуни Тошкентда бўлган муҳим хабарни эълон қилиш билан бошланиб, иккинчи бетда фельетон рунки остида мақолалар босиб чиқарган. Газетадаги “Тошкент хабари”, “Ахбори хорижи”, “Ахбори доҳилия” каби рунлар муштарийларни янгиликлардан воқиф этиб турган.

Газета булардан ташқари Туркистон халқлари олдига турган долзарб муоммаларни ечиб, мустамлакачиликдан озод бўлишга интилувчи мақолалар эълон қилади. Маданият ва маърифатни тиклаш унинг бош гоёсига айланади. “Хуршид” таъқиб остида бўлгани учун атига икки ой давомидагина фаолият олиб борди.

Юқоридаги икки газета тақдирдан қўриниб турибдики, мустамлакачилар ўзларининг сиёсатини миллат тараққиётига, маданияти ва ўзлигини англашига қарама – қарши қўяди.

Миллатпарвар фидоий жадидлар мустамлакачилик сиёсати қанчалик таҳқирли ва ҳавфли бўлишига қарамай миллат дардини ўз дарди деб билди. Айниқса бу масалада жадидлар миллий матбуотни биринчи даражада ривожлантиришга қатта эътибор

бердилар. Бунга “Тужжор” газетасининг 1907-йил 21-августда чикиши яккол мисолдир. Газета мухаррири Тошкентлик соховатли бойлардан бири Саидкарим Саидазимбоев бўлган.

Бахоси бир йиллиги беш сўм, олти ойлиги уч сўм, уч ойлиги бир сўми олтмиш тийин, бир ойлиги олтмиш тийин, бир нухаси олти тийиндан сотилган.

Эълонлар газетада аввалги сахифада сатрига ўн олти тийиндан, охири сахифада ўн тийиндан босилган. У “миллий, сиёсий ва маъиший газетаи исломия” эди. Манзили Петербург кўчасидаги хусусий уйда, деб кўрсатилган.

Газетанинг биринчи сониди мухаррирининг “Матбуот илми” маколасида, нашр таъсис этилишига оид куйидаги фикрларни ўқиймиз: “... ўтган йил Исмоил Обидов, Мунаввархон Абдурашидхоновлар Тараккий ва Хуршид газеталарни нашр этсалар ҳам ҳукумат хазорага муҳолиф ўлгонлари сабабли газеталари тўхтатилди. Туркистон мусулмонлари бина, дин, матбуотсиз гўё тилсиз, кулоксиз колдилар, ман эмас кўп замонлардин бери суюклик миллатимга холис бир хизмат этмак орзусида эдим, лекин на йўл ила яхширок хизмат этмак ўлур мумкин деб фикр ва андиша килмокда эдим. Эмди билдимки, Туркистон мусулмонлари ҳеч бир нарсага ўз тилларида ёзилмиш бир газета каби мухтож эмас эканлар” [\[7\]](#). Газета мухаррири С.Саидазимбоевнинг бу дарду аламларга тўла, миллат жарохатига дахлдор эхтиросли сўзлари бугунги кунда ҳам ўз ахамиятига эга.

Ўрни келганда шуни ҳам такидлаш жоизки, жаид матбуотидан кувват олган холда Ўзбекистоннинг бугунги миллий матбуоти ўз сахифаларида жаидчилик харакати тарихини кенг ёритаётганлиги бизнингча, ўта мухим ахамият касб этади. Иккинчи бир маънода, бу жаидлар яратган миллий матбуот жуда катта ахамиятга эга бўлганлигидан далолатдир.

“Тужжор” газетасида “Хориж хабарлари”, “Телеграф хабарлари”, “Дохлий хабарлари”, “Идорага мактублар”, “Идорадан жавоблар” каби рукнларда маколалар эълон килинган. Муза хабарлари рукнида, газетанинг 4-сониди шундай маълумотни беради: “1907 йил 30 августда Тошкент шаҳрида савдогарчилик мактаби очилди”.

Газетанинг 5 сониди Тошкент кўча транспорти хакида куйидаги маълумотни ёзади:

“Тошкент шахрида юриб тургон кунги аробаларига ўтган 1902 санада жами уч миллион 277 минг, 62 нафар одам тушубдур ва ҳам ул кунги аробаларини хар бири ушбу 1902 йилги санада кунги сохибларига ондарик 9 минг сўмдан тоза хосил берубдурлар”. Булардан ташкари газетада яна бир мухим масала, вабо касалидан эҳтиёт бўлиш хақида, Кўконда тижорат мактаби очилгани хақида, ўқув даргохларининг курилиши, очилиши ва улардаги шароитлар хақида, ҳамда фельетон рукни остида маколалар эълон қилади. Жумладан 11-сонда “Газет надур” маколеси эълон қилиниб Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида аҳолининг кўпчилиги газета тушунчасидан беҳабарлигидан афсусланилади.

Тошкент жадид маърифатпарварлари 1909 йилдан кейин рус чоризмининг сиёсати туфайли 1914 йилгача ҳеч қандай нашр чиқара олмайди. Юкорида санаб ўтилган матбуот нашрлари мустамлака сиртмоғи ичида ёзилган бўлса ҳам, эркин фикрлар, хурриятни ифода этувчи гоёлар, илм маърифатни ва маърифатли ёшлар билан аста секин озодлик сари қадам ташлай олишига ишонган миллий маърифатпарварларимизнинг нақадар жасорат кўрсатганлиги ва фидойилигидан далолат бериб турибди.

Маколामизни Президентимизнинг маърифатпарвар ва хурлик тарафдорлари, Туркистон жадидлари хақида айтган куйидаги фикрлари билан ниҳоясига етказамиз: “... юзлаб маърифатпарвар, фидойий инсонларнинг ўз шахсий манфаати, хузур халоватидин кечиб, эл улус манфати, юртимизни тараккий топдириш максатида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди!” [8]

Тангиров О., ЎзМУ магистранти

Илмий раҳбар: доц. Холбоев С.

[1] Авлоний А. “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи”./”Туркистон” газетаси. 1924 йил 24-июнь, 295-сон.

[2] Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. Тошкент, 2000 й.

[3] “Тараккий” газетаси.1906 йил, 1-сон, 1-бет.

[4] Каранг, “Тараккий” газетаси.1906 йил, 3-сон, 1-бет

[5] «Тараккий» газетаси 1- сонли 4-бет.

[6] Авлоний А. “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи”./”Туркистон” газетаси. 1924 йил 24-июнь, 295-сон.

[7] Каримов И.А.Юксак маънавият енгилмас куч.Т.: 2008 й. 49-бет.

[8] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi Toshkent- 2008, 4-bet.